


Франциялик олима Фредерик-Бопертюи Брессан: «Амир Темур Бибихоним масжидини ўзининг Ҳиндистондаги ғалабаси шарафига қурдирган»



16:34 / 04.07.2023 2356

Айни кунларда пойтахтда маданий мерос ҳафталиги ўтказилмоқда. Ҳафталик тадбирларида хориждан бир қатор олимлар иштирок этмоқда. Улар орасида Темурийлар уюшмаси асосчиси ва президенти Фредерик-Бопертюи Брессан хоним ҳам бор. Бугунги маърузаси у Амир Темур ва темурийлар ҳақида, уларнинг жаҳон тарихига қўшган ҳиссаси, фан, санъат, маданият ва архитектура дурдоналари ҳақида гапириб ўтди. Жумладан, Амир Темур томонидан Самарқандда қурдирилган улкан жомеъ масжидни ўз даврининг ислом оламида тенги йўқ архитектура намунаси деб атади.

«Дарҳақиқат, Ислон дунёсида тенги йўқ архитектура намуналаридан бири Самарқанддаги улкан Жомеъ масжиддир. Уни халқ орасида Бибихоним масжиди ҳам дейишади. Темур ушбу масжидни ўзининг Ҳиндистондаги ғалабаси шарафига қурдирган. Айнан мана шу юриш давомида у Деҳлидаги йирик масжиддан илҳомланиб ушбу обидани қуришга буйруқ берган. Бобурнинг ёзишича, масжид пештоқидаги ёзилган «Иброҳим Байтнинг пойдеворини қўйди «ёзуви жуда маҳобатли бўлиб, бир неча чақиримда бемалол кўриниб турган».



Манба: @platformauzb_live